



Мероснинг
оқил эгаси кимга
ва қанча мерос
қолдирилишини
билиши керак.
Чунки у меросини
барибир ташлаб
кетеди

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҚАРОРИ

Кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкнинг талаб даражасида сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-5152-сон қарори, шунингдек, кўп квартиралли уйларни бошқаришни янада такомиллаштириш асосида сифатли коммунал хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш, кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкни ва унга тўташ ер участкасини талаб даражасида сақлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 январдаги "Кўп квартиралли уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 3-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24-моддасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи қақариқ олтинчи сессияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 январдаги "Кўп квартиралли уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 3-сонли қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кўп квартиралли уйда умумий мулкнинг талаб даражасида сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор билан кўп квартиралли уйда умумий мулкнинг талаб даражасида сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш тартибини белгилаш;
- тасдиқланган хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхати кўп квартиралли уйни бошқариш шартномалари ҳамда умумий мулкни сақлаш ва (ёки) таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалардан келиб чиқадиган муносабатларга нисбатан қўллангани маълумот учун қабул қилинсин.

4. Рўйхатда назарда тутилган хизматлар ва ишлар кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари томонидан аҳолига шартномавий намуна асосида хизмат кўрсатиш;
- ҳар бир кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ва ишлар рўйхати улар томонидан ишлаб чиқариладиган хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхатига мувофиқ шакллантирилиши;
- хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхатига киритилган хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш даврийлиги кўп квартиралли уйнинг танланган бошқарув усули билан белгиланиши;
- хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхатига киритилган хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш даврийлиги қуйидаги ҳужжатларда расмийлаштирилиши. Бунда:

- а) кўп квартиралли уйни бошқариш тўғрисидаги қарор билан аналга оширилса - кўп квартиралли уйларда мулк эгаларининг умумий йиғилиши қарорида;
- б) кўп квартиралли уйга танланган бошқарувчи ташкилот хизмат кўрсатганда - кўп квартиралли уйни бошқариш шартномасида;
- в) кўп квартиралли уйни бошқариш уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан амалга

оширилса - шериклик тўғрисидаги Низомда;
г) янги қурилган уйлар бевосита қурувчи томонидан бошқарилса - қурувчи ташкилот қарорида;

- хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхати Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб шакллантирилиши ва белгиланган тартибда халқ депутатлари вилоят Кенгашига тасдиқлаш учун киритилиши инobatга олинсин.

5. Кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари таъсис ҳужжатларида, илмий-услубий салоҳияти ва техника жиҳозлари билан таъминлаш даражасида ўзгариш юз берганда, хизматлар ва ишлар рўйхатига уни тасдиқлаш тартибига мувофиқ тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари - матбуот қотиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" МЧЖ (А.Анваров) мазкур қарорнинг "Зарафшон", "Самарқандский вестник", "Озови Самарқанд" газеталарида чоп этилишини ҳамда Lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига ўрнатилган тартибда жойлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ў.Саидмуродов) ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) зиммаларига юклансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Кенгаш раиси

Э.ТУРДИМОВ

2022 йил 1 июль
VI-66-143-7-0-Қ/22



(Қарор иловалари билан газетамизнинг www.zarnews.uz сайти орқали танишишингиз мумкин)

Журналистларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашилади

Вилоят ҳокими Э.Турдимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 июндаги "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлимининг фаолиятини самарали ташкил қилиш, сақлаш харажатларини қоплаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ҳар йили маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан белгиланган тартибда субсидия сифатида маблағ ажратиб борилади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг ижодий фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, юбилей ёшени нишонлайдиган журналистларнинг ижодий кечаларини ташкил этиш, моддий ва маънавий рағбат ва кўмакка эҳтиёжи бор соҳа вакилларининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, уларга

ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш чораларини кўриш белгиланди.

Вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари ва мутасадди идоралар раҳбарларига 2023 йилнинг май ойига қадар белгиланган тартибда вилоят бюджет маблағлари ҳисобидан Матбуот уйининг мукамал таъмирланиши ҳамда жиҳозланишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, эҳтиёжманд ва фаол журналистларни ижодий кечаларини ташкил этиш, моддий ва маънавий рағбат ва кўмакка эҳтиёжи бор соҳа вакилларининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, уларга



СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ –

ислохотлар изчиллигининг самарали усули

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда ҳудудлар секторларга бўлиниб, иш ташкил этилаётганлиги ўзининг ижобий самараларини намойиш қилиб, халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

Бироқ янги тизим барча жойда ҳам бирдек яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Шу сабаб вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар ҳокимлари, 1-сектор раҳбарлари ва котиблари иштирокида Пахтачи туманида секторлар фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилаш ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлигига қаратилган семинар ташкил этилди.

Семинарда иштирокчиларга сектор штаби ишини ташкил этиш, аҳоли ва ижтимоий объектлар муаммоларини ўрганиш, кам таъминланган оилалар аҳолини яхшилаш ҳамда келиб тушаётган муносабатларни кўриб чиқиш ва бошқа масалалар юзасидан атрафлича маълумот берилди. Иштирокчилар маҳаллалар, касбга тайёрлаш маркази ва ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, сектор мутасаддиларининг амалий ишларини кўздан кечирди.

Ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари бошчилик қилаётган секторлар ўз ҳудудларида барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда, - дейди Самарқанд тумани ҳокими Сирожиддин Усмонов. - Шу жиҳатдан, бугун барча даражадаги раҳбар ходимлар, хусусан, сектор масъулларининг аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этишда бошқарув қарорларини қабул қилиш, иш вақтинчи самарали тақсимлаш, мавжуд ресурслардан умумий фойдаланиш каби кўникмаларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур семинар бу борада ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилди.

Семинар якунида Пахтачи тумани 1-секторининг амалий иш тажрибасини бошқа ҳудудлардаги секторлар фаолиятига жорий этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳудди шундай тадбир Самарқанд туманида

прокурорлар, 2-сектор раҳбарлари учун ташкил қилинди.

Тадбир қатнашчилари секторда маҳаллалар кесимида олиб борилаётган манзилли ишлар, ишсизлар бандлигини таъминлашда сектор раҳбари масалага қай тарзда ёндашаётганлиги, эҳтиёжманд оилалар билан ишлашда сектор ва маҳалла масъулларининг ҳамкорлиги билан яқиндан танишди.

Ургут туманида 3-сектор раҳбарлари учун ташкил этилган семинарда қайд этилишича, ҳудудда 32 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда "маҳаллабай" ишлаш тизimini йўлга қўйилган. Бу эса барча соҳа мутасаддиларининг жойлардаги муаммолар, аҳоли турмушидаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишига ёрдам бермоқда.

Семинарлардан кўзланган асосий мақсад нафақат тажриба алмашиш, балки ўз фаолияти давомида олган таассуротлари натижасида қўшимча таклифлар ҳам киритишдир. Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирлар давомида иштирокчилар томонидан секторлар фаолиятида дуч келинаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар тингланди.

Бугун Иштихон туманида 4-сектор мутасаддилари иштирокида шундай семинар ташкил этилади.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.

Конституция – гуруҳ

Айни кунларда мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давом этмоқда.

ОДАМЛАР ЎЗ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАС

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, ХДП вилоят кенгаши раиси Бадриддин Насриев Самарқанд шаҳридаги Чилстун маҳалласида ўз сайловчилари билан ўтказган мулоқотда шу хусусда сўз юритилди.

Мулоқот аввалида Б.Насриев Конституциянинг ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилиши назарда тутилган боб ва моддалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидланганидек, Асосий қонунда пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам кўрсатишининг бошқа турлари расман белгиланган энг кам истемол харажатларидан паст миқдорда бўлиши мумкин эмаслиги аниқ кўрсатилмоқда. Шунингдек, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, уларнинг иш ҳақини камайтиришининг таъқиқланиши, болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида фойдаланиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлиши Конституциявий қонун лойиҳасида ўз аксини топган.

- Таъкид этилаётган бу каби ўзгариш ва қўшимчалар партиямиз дастурий мақсадларига тўла мос келади, - дейди Б.Насриев. - Айни дамда бизга аҳолининг фикри муҳим. Аҳамиятлиги, одамлар ўзи, маҳалласи, давлат ва жамият тақдирига бефарқ эмас.

Учрашув давомида маҳалла аҳолиси лойиҳа юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдирди.



Гавҳар АЛИМОВА,
Каттақўрғон шаҳар ҳокими,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

- Нукус шаҳрида содир бўлган тартибсизликлар нафақат қорақалпоқ халқини, балки бутун республикамиз аҳолисини хавотирга солди.

Қорақалпоқ халқи танти, меҳнатқаш, янглики катта қизиқиш билан қарши оладиган халқ. Бундан кўп йиллар Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекс мутахассиси, "Маҳалла" фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари, кейинчалик эса Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари бўлиб ишлаганимда яққол англаганман.

Уша пайтлар фаолиятим тақозоси билан ҳар йили икки-уч бор Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларига борганман. Аналикни муҳофаза қилиш, маҳалла ҳаёти, шунингдек, сиёсий-ижтимоий ўзгаришларни амалга оширганимизда ҳар бир қорақалпоқ одам-

лари биз билан бир сафда туриб, бу эзгу ишларни тезроқ амалга оширилиши учун кўмаклашган.

Айниқса, Орол фожиаси, у қолдирган асоратларнинг олдини олиш, бу ерда бугунги кун ва аҳоли талабларидан келиб чиқиб, қандай лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги истиқболли лойиҳаларимизда ташаббускорлардан бўлишган.

Бугун жамоат хавфсизлигини бузишга уринаётган ҳар қандай шахсларга қарши мардона туриб, вазиятни оқиллик билан ҳал этиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Президентимизнинг Қорақалпоғистон халқига муносабатини таъкидлаганидек, ҳамжиҳат бўлиш, вазиятга нисбатан оқилона иш кўриш, турли ғаразли қақариқ ва ҳаракатларга берилмаслик зарур. Муҳими, қорақалпоқ халқи осойишталиги учун бирлашшимиз керак.

Президент фармонига кўра

Оила ва хотин-қизлар масаласи доимий эътиборда бўлиши зарур

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 мартда қабул қилинган “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди.

Аслида, шу пайтгача ҳам маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга масъул лавозим бор эди. У мутахассис, маслаҳатчи, йиғин раиси ўринбосари каби номлар билан аталди.

Хўш, энди-чи? Маҳалла фаолининг вазифаси нимадан иборат, унинг вазифаси қандай масъулият юклаган? Аввалги маслаҳатчидан фаолининг нима фарқи бор?

– Тўғри, шу пайтгача ҳам бизда хотин-қизлар кўмитаси фаолият қўриб келинган, кейинчалик Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди ва улар зиммасида хотин-қизлар билан ишлаш вазифаси бор эди, – дейди Тойлоқ тумани ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ноила Камбаридинова. – Давлатимиз раҳбарининг шу йил баҳорнинг илк кунинда қабул қилинган фармонлари билан оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди. Кўрпачиси, оила биринчи ўринга чиқмоқда. Ислоҳот ва янгиланишлар, ўзгаришлар оилада ўз ифодасини топмаса, ҳамма саъй-ҳаракатларини қўйиб самарани бермайди. Оилада эса қадрли опа-сингилларимиз, қизларимизнинг ўрни қанчалик муҳимлигини барчамиз яхши биламиз. Бу – энди оила ва хотин-қизлар масаласи янги ташкил этилган давлат қўмитаси (эътибор беринг, нодавлат ташкилот кўмитаси) фаолиятининг асосини таш-

кил этади. Маҳалладаги хотин-қизлар фаоли ана шу қўмитанинг энг кўйи тизимдаги асосий таянчи, унинг фаолияти бутун тизимнинг юзи, асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий муҳитини ва аънавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини рўйбга чиқариш, бандлигини ташкил этиш, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишларни бажариш, аёлларнинг муаммоларини аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга кўмак кўрсатиш каби муҳим вазифалар маҳалладаги фаолимиз фаолиятининг асосини ташкил этади. Аввалгидек фақат нотинч оилаларни яраштириш, уларга маслаҳат бериш, тўй-марокаларни тартибга солиш эмас фаолининг вазифаси. У энди маҳаллалардаги барча оилалар билан, турли ёшдаги хотин-қизлар билан ишлади, уларнинг ҳаётини ўрганади, муаммоларни аниқлаб, ҳал этиш чораларини кўради. Шунинг учун ушбу вазифага олий маълумотли, ишчан, ғайратли, аҳоли билан муомала, мулоқот қила оладиган чинакам номзодлар очик танловлар асосида танланди.

Туманимизда мавжуд 50 та маҳалла фуқаролар йиғинига тайинланган хотин-қизлар фаолининг 46 нафари олий, 4 нафари

туғалланмаган олий маълумотли. Уларнинг 36 нафари 30-35 ёшда, 8 нафари 30 ёшга, 4 нафари 36 ёшдан юқори. Тўрт нафар фаолининг 36 нафари олий маълумотли, 32 нафари таълим соҳаси вақиллари.

Демоқчиманки, деярли ҳаммамиз учун (ўзим ҳам таълим соҳасидан келганман) ушбу тизим янги ва зиммаимиздаги масъулиятни англаган ҳолда фаолият қўришига интиля-пмиз.

Маълумотларга кўра, маҳалла фаолилари ўз фаолиятига киришгандан буён “Аёллар дафтари” ва аёллар баланси шакллантирилиб, ажрим ёқасига келиб қолган 24 та нотинч оила яраштирилган.

“Аёллар дафтари”нинг 3-босқичига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг 208 нафарига, уй-жой таъмирига муҳтож 23 нафарига, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзандлари бор эҳтиёжманд аёлларнинг 114 нафарига, боқувчиси бўлмаган 501 нафар хотин-қизга 1 миллиард 25 миллион сўмликдан ортик ёрдам кўрсатилган.

Дафтарда қайд этилган 17 нафар бемор ёки қарамоғидаги 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлари бор аёлларга даволаниш, дори воситалари харид қилиш ва мураккаб жароҳли кўриш, аҳоли билан муомала, мулоқот қила оладиган чинакам номзодлар очик танловлар асосида танланди.

Туманимизда мавжуд 50 та маҳалла фуқаролар йиғинига тайинланган хотин-қизлар фаолининг 46 нафари олий, 4 нафари

фарзанд ота-онани бағрида вояга етиши керак, – дея сўзида давом этади Н.Камбаридинова. – Аммо бугунги кунда никоҳ қўришдан яшаб, фарзанд кўраётган оилалар, фарзандини тан олмайётган оталар ҳам орамизда йўқ эмас. Қонуний никоҳда бўлмаган, фарзанд кўрганлиги қайд этилган аёллар ёлғиз она ҳисобланади. Бу, у бошқа бекалар, оналар сингари қўллаб-қувватлашдан фойдалана олмайди, ҳуқуқсиз, дегани. Жамиятда бундай аёллар, фарзандлар билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш муаммолар келиб чиқади. Баъзан бу оғир оқибатларга ҳам олиб келади. Тўғри, ёлғиз оналар давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинади. Лекин баркамол, соғлом фарзанд ўсиши учун аҳил оила, бир-бирини тушунадиган, фарзанди келажини ўйлайдиган ота-она бўлиши керак. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг тўрт ойи давомида ёлғиз оналар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16 тага ошган. Ноқонуний никоҳ асосида яшаётган оилалар учтага кўпайиб, 51 тани ташкил этмоқда. Бундан ташқари, айни пайтда хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ҳам кўпайган. Буларнинг барчаси биздан, хотин-қизлар фаолиларидан аввало, маҳаллаларда, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига эришиш, нафақат қизлар, балки йиғитларни ҳам оилага тайёрлашга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Айнан шу йўналишда тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик билан фаол ҳамкорликда иш олиб бораёмиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ.

Учта туманда инвестиция лойиҳаси кечиккан

Амалга оширилган лойиҳаларни соҳалар кесимида қарайдиган бўлса, саноатда 80 миллиард сўмлик 22 та, хизматлар соҳасида 99 миллиард сўмлик 49 та, қишлоқ хўжалигида 26 миллиард сўмлик 18 та лойиҳа ишга туширилди.

Мисол учун, Ургутдаги “Сам Стар Лайф” МЧЖда қиймати 14,7 миллиард сўмлик пайпоқ ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 25 та янги иш ўрни яратилган бўлса, Самарқанд туманидаги “Sherzod Fruits Boks” МЧЖда қиймати 5,3 миллиард сўмлик гофра картон қутилар ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида 14 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Йилнинг биринчи ярим илгида 136 та лойиҳани ишга тушириш ҳисобига 2413 та янги иш ўрни яратиш белгиланган.

Инвестициялар ва ташқи савдо соҳасида ишлаб чиқилган қисқа ва узоқ муддатли стратегияга мувофиқ, келгусида виллоятда янги иш ўринлари яратишни назарда тутувчи бир нечта йирлик лойиҳаларни ишга тушириш устида ишланмоқда.

Жумладан, Қўшработ туманида Корея давлатининг “HNB International Co. Ltd” компанияси билан ҳамкорликда тўғридан-тўғри 100 миллион доллар инвестиция ҳисобига агросаноат кластерини ташкил этиш ва лойиҳа доирасида 500 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Шунингдек, Каттақўрғон шаҳар, Нуробод, Нарпай ва Пахтачи туманларида “Kattakurgan Sigma Cement”, “Billur Quartz”, “Platinum Metal Industry” ҳамда “Asl Oyuna” МЧЖларда 500 дан ортик янги иш ўрни яратишга қаратилган саноат соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Шундай бўлса-да, инвестиция соҳасида янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар билан бир қаторда муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг асосий шартларидан бири лойиҳа учун зарур бўлган йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашдир. Аксарият ҳолларда инфратузилма объектлари билан ўз вақтида таъминланмаганлиги натижасида инвестиция лойиҳалари белгиланган муддатда ишга тушмасдан, яратилиши кўзда тутилган иш ўринлари ташкил этилмадан қолмоқда.

Масалан, Пайарик, Паст Дарғом ва Ургут туманларидаги кичик саноат зоналарида табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш ишлари бугунги кунга қадар бажарилмаганлиги сабабли ушбу кичик саноат зоналарида 455 тага яқин иш ўрни ташкил этилмаган.

Худди шундай, “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”да муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаси яратиш берилмаганлиги натижасида ушбу ҳудудларда инвестиция лойиҳалари бошланмасдан қолмоқда.

Ойбек МИРЗАБЕКОВ, виллоят ҳокимининг ўринбосари.

Суғурта тизими иш бошлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё виллоятда жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда қарорлар асосида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўлланшинг электрон ахборот тизими бўйича фаолият олиб бориш мақсадида давлат тиббий суғурта жамғармаси ташкил этилди.

Ушбу жамғарма томонидан келгусида аҳолининг барча қатламларини кафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш, тажриба-синов лойиҳаси доирасида давлат бюджетидан кафолатланган пакетни молиялаштириш мақсадида ажратилган маблағларни жамлаш, бошқариш, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини ташкил этиш кўзда тутилган.

Тажриба-синов лойиҳасининг натижаларига кўра, давлат тиббий суғуртаси тизимини барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

2023 йилдан бошлаб бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми энг аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини ўз ичига олади ва суғуртада иштирок этиши ёки иштирок этмаслигидан қатъи назар, ҳар бир кишига бепул тақдим этилади.

Негаки, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари ҳажми аҳолига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатиладиган бепул тиббий ёрдамдир.

Кафолатланган пакет давлат муассасаларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ташхис ва даволаш клиник стандартлари ҳамда клиник протоколларга мувофиқ амалга оширилади.

ИЛК ҚАДАМЛАР

Виллоятимизда ушбу мақсадларни амалга ошириш мақсадида “Йўл харита” ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, виллоятдаги барча давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари хатловдан

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2022 йилнинг тўрт ойида аҳоли бандлигини таъминлаш учун жами **244,1** мингта, шундан **74,7** минг нафари ҳоким ёрдамчиси томонидан доимий ва мавсумий иш ўрни яратилди.



ўтказилди. Муассасаларнинг кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизмат ҳажмларини кўрсата олиш имкони, уларнинг моддий-техник базаси, зарур асбоб-ускуна ва тиббий жиҳозлар, малакали тиббиёт ходимлари, компьютер жамланмалари ва техника воситалари билан таъминланганлиги ўрганиб чиқилди.

Жамғарма ҳудудий тиббиёт муассасаларини шартнома асосида молиялаштиришни бошлади. Ушбу мақсадда 2022 йилдан виллоятдаги 6 та муассасада давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан 4,5 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди ҳамда шартномада белгиланган сумманинг 70 фоизи (3,1 миллиард сўм) муассасалар ҳисоб рақамларига кўчириб берилди.

ИМТИЁЗЛИ ДАВОЛАНИШГА КИМЛАР ҲАҚЛИ?

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхати:

- * болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар;
- * чин етимлар;
- * I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;
- * 1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар;
- * ёшга оид пенсияга чиққан ишламайдиган шахслар;
- * 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жаҳабсининг қатнашчилари;
- * Чернобыль АЭС фалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи но-

гиронлиги бўлган шахслар;

- * байналмилалчи-жангчилар;
- * “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилаларнинг аъзолари;
- * Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича 18 ёшга бўлмаган патологияли болалар;
- * қақирув комиссияларининг йўлланмалари бўйича қақирув ёшидаги (18 — 27 ёшдаги) шахслар;
- * Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича патологияли хонимлар аёллар;
- * Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича эндокрин касалликларига чалинган беморлар;
- * Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича жинсий йўл билан юқтириладиган касалликларга чалинган шахслар;
- * Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича сил касаллигига чалинган шахслар;
- * Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича онкологик касалликларга чалинган шахслар.

ҚАНЧА БЕМОР ИМТИЁЗЛИ ДАВОЛАНДИ?

Бугунги кунга қадар жамғарма билан шартнома имзолаган виллоятдаги муассасаларда 163 нафар бемор имтиёзли даволанди. Жумладан, виллоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 23 нафар (56,2 миллион сўм), виллоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 7 нафар (76,05 миллион сўм), виллоят кўз касалликлари шифонасида 23 нафар (44,1 миллион сўм), республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида виллоят бўлимида 10 нафар (95,1 миллион сўм), республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида виллоят бўлимида 100 нафар (1 миллиард 680 миллион сўм) бемор имтиёзли даволаниб чиқди.

Даврон РАЗЗОҚОВ, Давлат тиббий суғурта жамғармаси виллоят бўлими масъули.

Мақсадсиз кредитлар ҳажми бир ойда ўн баробар ортган

Президентимизнинг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, 2022 йил 1 мартдан дастурлар бўйича кредитлар тўлиқ рақамлашган ҳолда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электорн плат-формаси орқали ажратилмоқда.

Қарор талабларига кўра, ҳоким ёрдамчилари ўзларига бириктирилган маҳаллада дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб боради. Мазкур қарорга мувофиқ, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 2022 йилда 900 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

2022 йилнинг ўтган даврида паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларчилик, чорвачилик, боғдорчилик, иссиқхоначилик, хизматлар соҳаси, тикувчилик, хунармандчилик ва ишлаб чиқариш йўналишидаги 10 минг 655 лойиҳага жами 285 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, юқорида санаб ўтилган йўналишларда 4919 нафар хотин-қизга 109,9 миллиард сўм ҳамда 4438 нафар ёшга 109,5 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилган. Кредитлар устувор равишда дафтарларга киритилган фуқаролар бандлигини таъминлаш ва даромадга эга бўлиши учун берилмоқда.

Ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали “оғир” маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг даромад манбаиларини кўпайтириш ва ишсизликни бартараф этиш мақсадида ушбу маҳаллаларга бириктирилган тадбиркорларнинг 51 та лойиҳасига 52,7 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Марказий банк виллоят бош бошқармаси томонидан ажратилган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш ва кредит маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан мониторинглар ҳам ўтказилди. Жумладан, 2021 йил ноябрь, декабрь ойларида Паст Дарғом тумани, 2022 йил апрель ойида Нуробод туманида танлов асосида 2690 миқозга ажратилган 84,1 миллиард сўм имтиёзли кредитлар мониторинг қилинди. Унда 291 миқозга ажратилган 7049 миллион сўмлик, шундан, Паст Дарғом туманида 6510 миллион сўм, Нуробод туманида 540 миллион сўм имтиёзли кредитлар мақсадсиз сарфлангани аниқланган.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида жорий йилнинг март ойида 2897 та



лоийҳага ажратилган 87,1 миллиард сўм кредит ҳам тижорат банклари томонидан танлов асосида мониторингдан ўтказилди. Урганлиларга кўра, 29 лойиҳага ажратилган 834 миллион сўм имтиёзли кредитдан мақсадсиз фойдаланилган.

Жумладан, Иштихон туманида 8 та (256 миллион сўм), Паст Дарғомда 4 та (94,5 миллион сўм), Пахтачида 3 та (96,5 миллион сўм), Самарқанд шаҳрида 3 та (75,9 миллион сўм), Каттақўрғон туманида 2 та (65,6 миллион сўм), Пайарикда 2 та (65,6 миллион сўм), Тойлоқда 2 та (66 миллион сўм), Ургутда 2 та (50 миллион сўм), Булунғурда 1 та (20 миллион сўм), Оқдарёда 1 та (26,1 миллион сўм), Каттақўрғон шаҳрида 1 та (18 миллион сўм) кредит маблағи мақсадсиз сарфланган.

Ушбу мақсадсиз сарфланган кредитларнинг 528 миллион сўми “Агробанк”, 190 миллион сўми Халқ банки ҳамда 117 миллион сўми “Микрокредитбанк” филиаллари томонидан ажратилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида апрель ойида ажратилган кредитлар танлов асосида мониторингдан ўтказилганда, 303 субъектга ажратилган 8,9 миллиард сўм мақсадсиз сарфлангани аниқланди. Ачинарлики, мақсадсиз сарфланган имтиёзли кредитлар айрим туманларда апрель ойида март ойига нисбатан деярли 10 баробарга ошган.

Жумладан, Ургутда 58 та (1,8 миллиард сўм), Қўшрабодда 47 та (1,5 миллиард сўм), Каттақўрғон туманида 58 та (1,8 миллиард сўм), Пайарикда 23 та (675 миллион сўм), Оқдарёда 21 та (658 миллион сўм), Иштихонда 20 та (578 миллион сўм), Самарқанд шаҳрида 12 та (362 миллион сўм), Нурободда 12 та (356 миллион сўм) кредит маблағи мақсадсиз сарфланган.

О.АЗИМОВ, Марказий банк виллоят бош бошқармаси бошлиғи.


Табий офатлар ичида инсон кучи етмайдиғанларидан бири зилзила ҳисобланади. Замонавий технологиялар мавжуд бўлса-да, уни тўхта-тишга ожизмиз. Бироқ зилзилани тўхтатиб бўлмаслиги ундан сақланишнинг иложи йўқ, дегани эмас.

Сўнгги йилларда юртимизда табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг зарарли оқибатларини камайтириш мақсадида иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда соҳа ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 30 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосан, сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлашда ислохотларни таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш, малакали кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида аҳоли ва ҳудуднинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилиб, йўл харитаси тасдиқланди.

Илгари ер силкишлирини қайд қилиш фотоогозга ёзилган бўлса, эндиликда бу ишлар вилоятимиздаги махсус станцияда жойлашган замонавий рақамли тизимлар орқали амалга оширилмоқда, - дейди Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази Самарқанд станцияси бошлиғи Шухрат Қувватов. - Энди зилзилаларнинг вужудга келиши, турли геодинамик жараёнларни тадқиқ қилиш янада

ЗИЛЗИЛА ЖОЙИ, ВАҚТИНИ ОЛДИНДАН БИЛИШ МУМКИНМИ?



такомиллаштирилиб, онлайн-хариталар ҳам ишлаб чиқилади. Шунингдек, республикамизнинг қайси ерларида қандай куч билан зилзила бўлишини кўрсатадиган хариталар тузилиб, барча қурилиш ишлари ушбу хариталар орқали ташкил этилиши керак. Автоматлаштирилган комплекс-прогностик станцияларни кўпайтириш орқали ҳудудни тўлиқ мониторинг қилиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, халқаро сейсмик кузатувлар тизимидаги станциялар билан алоқаларни таъминлаш, аҳоли ва давлат органла-

рини зилзила пайтида ҳаракат қилишга тайёрлаш фаолияти тартибга солинади. Жумладан, мазкур фармонда бино ва иншоотлар ҳамда сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлик даражасини доимий космик мониторинг қилиш тизимини жорий этиш ҳам кўзда тутилган. Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш йўналиши доирасида яқка тартибдаги уй-жойларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилади. - Бугунги кунда вилоятда 2088 та

кўп квартирالى уй-жойлар мавжуд бўлиб, улар орасида авария ҳолатига келиб қолган уйлар ҳам бор, - дейди вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дадаҳон Бозоров. - Шу сабабли, жорий йил 1 октябрдан бошлаб 1991 йилгача қурилган 1584 та кўп квартирالى уй-жойларни қайта хатловдан ўтказиб, сейсмик заиф ва авария аломатлари мавжуд уйларни аниқлаб, сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда аҳоли ва ҳудуднинг сейсмик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгашга тақдим этилади. Йўл харитасига мувофиқ, эксплуатация муддатини ўтаб бўлган кўп қаватли уй-жойлар бўзилиб, ўрнида янги уйлар қуриш бўйича тақлиф киритиб борилади.

2023 йил 1 майдан бошлаб юртимиз ҳудудида қуриляётган бино ва иншоотлар, сув омборлари ва гидротехника иншоотлари зилзилабардошлигини назорат қилиш тизими такомиллаштирилиб, доимий космик мониторинг қилиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, фармонда аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи қўйилган. Айти пайтда зилзила ва унинг даракчиларини кузатиш барча вилоятлардаги махсус станциялар томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси ва Хитой Сейсмология бюроси ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик битимиға кўра, хитойлик мутахассислар кадрлар тайёрлаш ва тизимни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида мамлакатимиз сейсмологлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Улар томонидан берилган станцияларнинг биттиси вилоятимизга ўрнатилган бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Дилмурод Тўхтаев.

Сўранг, жавоб берамиз



Ўқувчиси Президент мактабига қабул қилинган ўқитувчига мукофот пули тўланадими?



Ўқувчиси Президент мактабига ўқишга кирган ўқитувчига қўшимча устама ёки рағбат борми? Агар шундай бўлса, қандай тартибда тўланади?

Шарофат БОБОНАЗАРОВА, Ургут тумани.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жағфармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан, Президент мактабларига танлов асосида қабул қилинган ҳар бир ўқувчи учун тегишли умумтаълим муассасасининг мос (танлов, мусобақа, имтиҳон фанлари) фан ўқитувчиси жағфарма маблағлари ҳисобидан базавий тариф ставкасининг икки баравари миқдоридан бир йўла

мукофот пули тўлаш йўли билан рағбатлантирилиши мумкинлиги белгиланган.

Низомга кўра, мазкур ҳолат умумтаълим мактабидан ташкил этилган ишчи гуруҳ қарорига асосан ҳал қилинади. Ишчи гуруҳ тўлаш бўйича қарор қабул қилса, тўланади, рад қилса, тўланмайди. Сабаби, низомда тўланиши мумкин дейилган. Бундан ташқари, жағфармадаги мавжуд маблағ ҳам ҳисобга олинади.

Р.ЎЛМАСОВ, Самарқанд тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ОГОҲ БЎЛИНГ, МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ!

Магистраль газ қувурларининг муҳофаза зонасида хавфсизлик чораларини кўриш гоята муҳим. Вилоятимизнинг Нарпай, Каттақўрғон, Иштихон, Оқдарё, Нуробод, Пайриқ туманлари ҳудуди бўйлаб аҳоли пунктлари ва санат корхоналарини табиий газ билан таъминловчи, юқори босимга эга магистраль газ қувурлари ётқизилганлигини ҳисобга олсак, масала кундек равшан. Шу сабабли хамюртларимизни огоҳликка чорлаймиз.

Эксплуатациянинг нормал шароитини таъминлаш ва қувурларнинг шикастланишига (уларнинг ҳар қандай ўтказилишидан қатъи назар) йўл қўймайлик учун "Магистраль газ қувурлари ҳимоя қоидаларини" ва Ўзбекистон Республикаси Ер қодасининг 69-моддасига асосан, муҳофаза ҳудудлари белгиланган. Магистраль газ қувурлари таркибига газ қувурлари, газ тақсимлаш шохобчалари, кран тугунлари, компрессор станциялари, электр қимёвий ҳимоялаш ускуналари (ЭХЗ), юқори қучлилиги электр узатиш тармоқлари (ЛЭП), алоқа технологияси иншоотлари ва узатгичлар, газ қувурлари трассаси бўйлаб ётқизилган йўллар, газ қувурларини билдирувчи ва танитувчи белгилар кирди.

Қувурларнинг муҳофаза ҳудудига кирувчи майдонлар ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди. Улар мазкур майдонда фақат магистраль газ қувурларини муҳофаза қилиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишларни олиб боришлари мумкин. Қувурлар ётқизилган ҳудудда тураржой мавзелари, аҳоли пунктлари, санат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, иморатлар (тураржой ва нотураржой бинолар) қурилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тасдиқланган меъёрларга кўра, магистраль газ қувурларни лойиҳалаштиришнинг қурилиш нормалари ва қоидаларини бўйича газ қувурдан бино ёхуд иншоотгача бўлган энг кам масофага қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Қувурларнинг муҳофаза ҳудудига қувурлардан меъёрида фойдаланишга ҳақиқат берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар тақиқланади. Хусусан:

- ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш, иншоотлар тиклаш;
- ҳар хил турдаги дарахт ва буталарни экиш, ем-ҳашак, озуқа, ўғит ва материалларни тўплаш, пичан ғамлаш, от боғлайдиган қозиларни жойлаштириш, чорва молларини сақлаш, балиқ етиштириш учун участкалар ажратиш, балиқ ҳамда бошқа сувда яшовчи ва сузуви ҳайвон-

- лар ва паррандаларни парваришлаш, жониворлар учун сув ичидан ҳовузалар қуриш, музичи ёриш ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш;
- қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоотларини қуриш, трактор ва бошқа механизмлар учун сақлаш жойларини барпо этиш, жамоат боғлари ва полизларини жойлаштириш;
- турли хил қурилиш-монтаж, портлатиш ва тоғ ишларини амалга ошириш, тупроқ (грунт) ни режалаштириш;
- мелиорация ишларини амалга ошириш, сугориш, қуритиш тармоқларини қуриш;
- назорат-ўлчов қудуқлари, назорат пунктлари, сигнал берувчи, огоҳлантирувчи белгиларни бузиш, жойларини ўзгартириш;
- кабель алоқаси хизмат кўрсатмайдиган товуш қучайтирувчи пунктлар қопқоқларини, люкларни, катод ҳимояси станцияси, тармоқ ва назорат қилувчи қудуқлар ҳамда бошқа тармоқ қурилмаларини, зулф ва жўмрақларни очиш, алоқа воситалари, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёқиш, ўчириш;
- белгиланган ҳудудда турли хил чиқинди тўплаларини йиғиш, ерга ишқорлар, тузалар, кислота эритмаларини тўкиш;
- қувурларни бузилишлардан, ён-атроф ва яқин жойлашган ҳудуддан, транспортировак қилинадиган маҳсулотни авария натижасида тўкилишдан сақловчи, ер ости сувини ўтказувчи иншоотларни, қирғоқларни мустаҳкам тутувчи қурилмаларни бузиш;
- олов ёқиш ёки шунга ўхшаш очиқ-ёпиқ олов манбаларини уюштириш;
- ҳимоя ҳудудларида сувий ҳавзалар ва шולי экинларини экиш ман этилади.

Магистраль газ қувурлари ҳимоя қоидаларининг бузилишида айбдор мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра жавобгарликка тортилади.

Муҳофаза ҳудуди:
- қувур трассаси бўйлаб хавфсизлик ер участкаси кўринишида, қувур ўқининг ҳар томонидан 50 метргача масофада шартли чиқизқар билан чегараланган бўлади;
- қишлоқ хўжалигига тааллуқли ерлардан



Ҳимоя майдони қувур ўқининг ҳар томонидан 25 метр масофада ўтадиган шартли чиқизқар билан чегарланади;

- кўп тармоқли трасса бўйлаб чекка қувур ўқининг ҳар томонидан 50 метр масофада ўтган, шартли чиқизқар билан чегараланган ер майдони кўринишидадир.
Газдан конденсатни ажратиш ва сақлаш учун сифимлар атрофида нефть, конденсат ва сиқилган углеводородларни авария ҳолатида чиқариш учун ер омборида кўрсатилган объектлар майдони чегарасида ҳар томонига 50 метрдан тўташган чиқизқар билан чегараланган участка кўринишида бўлади.

Ўзбекистон Республикасида "Қурилиш меъёрлари ва қоидалари" ҚМҚ 02-05-06/97 меъёрий ҳужжат асосида магистраль газ тармоқлари атрофида қувурлар диаметрига мос ҳолда муҳофаза ҳудудлари белгиланган.

Белгиланган хавфли ҳудуд радиуси:
- диаметри 300 мм.гача бўлган газ қувурлари учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 100 метр;
- диаметри 300 мм.дан 600 мм.гача бўлган газ қувурлари учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 150 метр;

- диаметри 600 мм.дан 800 мм.гача бўлган газ қувурлари учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 200 метр;
- диаметри 800 мм.дан 1000 мм.гача бўлган газ қувурлари учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 250 метр;
- диаметри 1000 мм.дан 1200 мм.гача бўлган газ қувурлари учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 300 метр;
- диаметри 1200 мм.дан юқори бўлган газ қувурлари учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 350 метрни ташкил этади.
Шунингдек, газ тақсимлаш шохобчалари ҳар томондан ҳимоя ҳудуди (муҳофаза ҳудудида ҳар қандай ишларни олиб бориш тақиқланади) 150 метр қилиб бел-

гиланган.

Шунинг билан биргаликда, аҳоли эътиборини қўйидагиларга қаратмоқчимиз:

Давлатимизда олиб борилаётган инсонларварлик сийасатиға кўра, аҳоли томонидан тегишли маҳаллий ҳокимиятлар рўхсатисиз қурилиб, хозирда аҳоли истикомат қилиб келаётган айрим уй жойлар ҳам тегишли ҳужжатлар орқали эгаларига мулк сифатида расмийлаштирилиб берилмоқда. Лекин магистраль газ қувурларининг хавфли ҳудудида, бошқача айтганда, "Кизил ҳудуд" ичида қурилган ноқонуний иморатлар учун бу енгиликлар тадбиқ этилмайди ва бундай иморатлар бузиб ташланиши керак бўлади.

Хусусан, Нарпай тумани Мирбозор кўрғони, "Саловат" МФЙ ҳудудида жойлашган "Мирбозор бозори" МЧЖ майдони яқинидан "Зирабулоқ МГҚБ"га қарашли юқори босимли, диаметри 1020 мм. бўлган БҒР-ТБА магистраль газ қувурлари ўтган. Юқори босимли магистраль газ қувурларида вужудга келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар, яъни тўсатдан авария ҳолати содир бўлганда ёнгин содир бўлиши, одамлар қўрбон бўлиши ва бино-иншоотларга зиён ет-

казилишини моддий ва маънавий зарарларни олдини олиш мақсадида Архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҚМҚ- 02.05.06-97 қоидалари 4-жадвалига асосан диаметр **1020 мм.** газ қувурининг муҳофаза майдони **250 метр** қилиб белгиланган. Хозирги кунда БҒР-ТБА магистраль газ қувурининг "Мирбозор бозори" МЧЖ ҳудудида ўтган қисмида, газ қувурлари хавфли зонасида бир қатор савадо дўконлари мавжуд. Ушбу қурилмаларга хозирги кунга қадар тўлиқ оғохлантириш хатлари берилиб, газ хавфлилиги тўғрисида бошқарма мутахассислари томонидан тўшунтириш ишлари олиб борилган. Муқаддам суд томонидан қурилмаларни бузиш юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқарилганлиги қарамасдан, бу борада бирор бир ижобий натижага эришилмаган.

Асосий мақсадимиз фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш, келиб чиқиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар ва авария ҳолатларининг олдини олиш учун. Огоҳ бўлинг, азизлар! Азиз хамюртларимизнинг ер участкалари ёки дехқончилик қилаётган ер майдонлари магистраль газ қувурлари яқинида жойлашган бўлса, бирор турдаги қурилиш ишларини бошлашдан олдин, ушбу газ қувурларига хизмат кўрсатувчи бошқармага мурожаат қилиб, иш кўриш тавсия этилади. Бу ҳолда фуқароларимиз ўзбошимчилик билан қурилган ноқонуний иморатни бузилиши билан боғлиқ ортиқча асаб-бузарлик ва кераксиз моддий чиқимлардан холи бўлишди.

Бошқармани манзили: Нарпай тумани Оқшоҳ шаҳри, Муқимий маҳалласи. Телефонлар: +99866-432-41-91, +99893-172-22-47.

Шерқул ОРЗИЕВ, "Зирабулоқ магистраль газ қувурлари" бошқармаси бошлиғи.

Искандар ШУКУРОВ, Санат хавфсизлиги давлат қўмитаси Самарқанд ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Жўрабаев Хайрулло Садиллаевнига (2008 йил 19 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улўғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Норкулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Муратов Шохиста Джаббаровнага (2021 йил 28 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норкулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги 1-сон академик лицейидан 2012 йилда Сафиева Диана Николаевна номига берилган рўйхат рақами 279, Л № 141050 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги 1-сон академик лицейидан 2016 йилда Аҳмадов Мирзобек Азаматович номига берилган рўйхат рақами 298, Л № 270755 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд молия иқтисодиёт коллежидан 2011 йилда Қаюмов Иброҳим Мавлон ўғли номига берилган рўйхат рақами 3317, К № 2064540 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом тиббиёт коллежидан 2009 йилда Бегимқулова Диана Шераевна номига берилган К № 0091786

РАҚАМЛИ ДИПЛОМ ВА УНИНГ ИЛОВАСИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ САБАБИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейидан 2019 йилда Мўминов Абдуазиз Эркин ўғли номига берилган рўйхат рақами 2384, Л № 0003583 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 88-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Уралов Умид Ортиқович номига берилган О' R-SH № 0368681 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Элтаева Нигора Фахриддиновна номига берилган № 1089601 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ! "Зарафшон" газетасининг 2022 йил 21 июнь 71-сонини 3-саҳифасида "БЕКТОР ҚИЛИНАДИ" сарлавҳаси остида Паст Дарғом

РАҚАМЛИ ДИПЛОМ ВА УНИНГ ИЛОВАСИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ САБАБИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейидан 2019 йилда Мўминов Абдуазиз Эркин ўғли номига берилган рўйхат рақами 2384, Л № 0003583 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 88-ўрта мактабдан 1998 йилда Уралова Фарида Ортиқовна номига берилган О' R-A № 365698 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2017 йилда Курбоназаров Мамуржон Фарҳод ўғли номига берилган

РАҚАМЛИ ДИПЛОМ ВА УНИНГ ИЛОВАСИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ САБАБИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2019 йилда Ҳайитбоева Саида Ускин қизи номига берилган рўйхат рақами 340, К № 5558520 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «REAL ALFA GROUP» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИП: 307864336) думалоқ муҳри ва бурнак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Элтаева Нигора Фахриддиновна номига берилган № 1089601 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

РАҚАМЛИ ДИПЛОМ ВА УНИНГ ИЛОВАСИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ САБАБИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорати ва қасаба уюшма қўмитаси физиотрия кафедраси ассистенти

Мамура САЙДОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманиннг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректорати ва қасаба уюшма қўмитаси институти ишлар бошқармаси бошлиғи Нурали Ибодуллаев отаси

ЭШНИЁЗ Бобонинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEK ADABIY TILINING BUGUNGI HOLATI QANDAY?



O'zbek adabiy tili nafaqat turkiy tillar orasida, balki dunyoning boshqa zamonaviy tillari orasida ham o'zining go'zal badiiy, tasviriy ifodalarga, iboralarga, qochirim va kinoyalarga boyligi, sayqallanib, serjilo bir holatga kelganligi bilan ajralib turadi. Boshqa til vakillari ham o'z ona tillari haqida bu kabi fikrlarni aytishlari mumkin, ammo xalqimiz orasidan yetishib chiqqan buyuk olim-u ulamolalar, so'z san'ati ustalari, tilimizda yaratilgancho'p va xo'b nazmiy va nasriy asarlari borligi bilan maqtana olmaydilar. Shuning uchun ham tilimizni o'rganayotganlar unda yaratilgan ming yillik badiiy asarlarni tarjimada emas, asli holda o'qish istagini bildiradi. O'zbek adabiy tilining bugungi holati havas qilari darajada ekanligini o'zbek adabiyoti sahnasida keyingi yuz yillikda ijod qilgan va bugungi kunda ham javlon urayotgan shoir-u yozuvchilar, xalqimiz ma'naviyatini boyitayotgan san'at-u madaniyat, maorif-u ma'rifat xodimlarining ijod mahsullaridan ham bilsa bo'ladi.

Ammo har to'kida bir ayb bo'lganidek, adabiy tilimiz va uning uslubiy, grammatik, morfologik, leksikologik, fonetik va fonologik qonun-qoidalarga rioya etish borasida jiddiy kamchiliklarga yo'l qo'yilmoqda. Bu ayniqsa, "Davlat tili haqida"gi Qonunning yettinchii moddasiga nisbatan bepisanlik bilan qarash oqibatida yuz bermoqda. Bundan o'ttiz yillar muqaddam, mana shu qonun qabul qilinishidan oldin, O'zbekiston radiosida ham, televideniyesida ham teatr arboblari, yozuvchi-shoirlar, madaniyat xodimlari bilan uchrashuvlarda biror bir inson o'z shevasida savol bermas, yoki savollarga o'z shevasida javob ham qaytarmas edi. Adabiy tilda gapirish yuksak madaniyat belgisi hisoblanardi.

Bugun-chi? Aftorimizda o'zbek adabiy tilida chiroyli so'zlaydiganlar kundan kunga kamayib bormoqda. Misol uchun, O'zbekiston teleradiokompaniyasining aksariyat kanallarida o'zbek adabiy tili emas, uning shevalari, ayniqsa, Toshkent shahar shevasi keng targ'ib-tashviq etilmoqda. Adabiy til me'yorlaridan mutlaqo "bexabar suhbatdoshlar"ku mayli, teleradioboshlovchilar, muxbir, jurnalist, yozuvchi, shoir, san'at ahli, bir so'z bilan aytganda, ziyolilarimizning o'zlari kim o'zarga Toshkent shevasida gapirib, nafaqat mamlakatimiz, shuningdek,

bizning teleko'rsatuvlarni tomosha qilayotgan boshqa davlatlardagi muxlislarimiz, tildoshlarimiz, vatandoshlarimiz, millatdoshlarimizga ham aks namuna bo'lmoqdalar.

Ayting-chi, yarim dunyo tomosha qilayotgan, tinglayotgan, xoh u davlat, xoh u xususiy bo'lsin, O'zbekiston teleradio dasturlarida shevada gapirishga kim huquq bergan? Ularning dasturlari bittagina shahar yoki sheva vakillari uchun mo'ljallanmagan-ku! Bu hol yoshlarda shevada gaplashish, muloqot qilish ko'nikmasini mustahkamlamoqda.

Achinarlisi, televideniya namoyishi etilayotgan o'zbek mualliflarining kinolashtirilgan asarlari tugul, boshqa tillardan tarjima va dublyaj qilinayotgan badiiy va telefilm qahramonlari ham faqat Toshkent shevasida "gapirishmoqda". To'g'ri, Toshkent shevasi keng iste'molda ekanligini inkor etmaymiz. Ammo xalqimizda o'nlab, yuzlab bunday shevalar mavjudligini unutmaylik.

Tilimiz sofligi, savodxonligimizning oshishi uchun televideniye, radio va internet orqali berilayotgan barcha materiallarni o'zbek adabiy tilining grammatik qonun-qoidalari, talaffuz me'yorlari, imlo qoidalarga mos ravishda berilishi ustidan qat'iy muharrirlik nazoratini o'rnatish, bu qoidalarga rioya etmaydiganlarga nisbatan keskin chora ko'rinishini ta'minlash kerak.

Tan olish lozim, ona tilimizni dunyoning manaman degan AQSH, Turkiya, Rossiya, Germaniya, Yaponiya, Koreya, Hindiston, Pokiston, Xitoy kabi o'ndan ortiq taraqqiyotgan mamlakatlarning oliy o'quv yurtlarida o'rganmoqdalar. Talabalar tilimizni tez va oson o'zlashtirishlari uchun an'anaviy usullardan tashqari, zamonaviy audio, video o'quv-uslubiy qo'llanmalar ham yaratilmoqda.

Har qanday til atrofidagi boshqa tillardan ajralgan holda yashay olmaydi, taraqqiyot ham etmaydi. Jamiyat taraqqiyoti tilning lug'at tarkibida o'z aksini topadi. Xalqlar o'rtasidagi madaniy, ma'rifiy, ilmiy va boshqa aloqalar tufayli tillarda so'z va terminlar almashishi yuz beradi. O'zbek adabiy tiliga ham qadimgi davrlardan yaqin muloqotda, madaniy-ma'rifiy aloqada bo'lgan xalqlar, shuningdek, urushlar tufayli mamlakatdagi talon-torojliklar, qirg'inbarot janglar bilan bog'liq ko'plab boshqa tillarga doir so'zlar, terminlar o'zlashgan. Jumladan, qo'shni tojik tilidan,

arab istilosi tufayli arab tilidan, Chor Rosiyasi istibdodi davridan boshlab rus tilidan va xalqaro terminlar tili deb tan olingan lotin va boshqa Yevropa tillaridan ko'plab so'zlar o'zlashganligi fikrimizni asoslaydi.

Boshqa tillardan so'z va terminlar o'zlashtirish hozir ham davom etmoqda. Bu jarayon dunyoda globallashuvning, fan-texnika, iqtisodiyot, sport, madaniyat va boshqa zamonaviy sohalarining katta tezlik bilan rivojlanayotganligi oqibati hamdir. So'z va terminlarning o'zlashtirilishi va keng iste'molga kiritilishi borasida arab mamlakatlari va Turkiya Respublikasida ma'lum bir tajriba to'plangan. Ular arab yoki turk tiliga kirib kelgan har qanday yangi so'z yoxud terminni qabul qilishdan oldin shu sohaga mas'ul bo'lgan qo'mita hay'atida muhokama qiladi, imkon qadar shu kirib kelayotgan so'z va terminning o'z tillaridagi muqobilini qidirib topadi. Topilmasa, tarjima qiladi, shunda ham iloji bo'lmasa, qo'mita hay'ati qarori bilan shu yangi so'z yoki terminni o'z holicha qo'llashga rasman ruxsat beradi. Biz ham tilimizga kirib kelayotgan yangi so'z va terminlarni qabul qilishda o'zbek sheva va lahjalari lug'at boyligidan, tilimizning ichki so'z yasash qoidalardan unumli foydalanishimiz kerak.

Ma'lum bir muddat nutqimizga o'zlashtirib ketgan bir qator baynalmilal so'z va terminlar (samolyot, aeroport, universitet, fakultet, kafedra, respublika, pensioner, rayon, transport va h.k.) o'rning arabcha yoki forschacha-tojikcha muqobillarini qo'llashga intilish bo'ldi. Ammo xalqimiz sun'iy ravishda kiritilgan bunday (tayyor, tayyorogoh, dorilunfun, kulliyot, minbargoh, jumhuriyat, nafaqaxo'r, nohiya, naqiyot kabi) so'z va terminlarni qabul qilmadi. Tilimizda avvaldan qo'llanishda bo'lgan muqobillari (tuman, ulov) iste'molda qoldi.

Yurtimizda "Davlat tili haqida"gi Qonun tufayli yuz yildan ortiq vaqt mobaynida kamsitilgan ona tilimizning qaddini, unutilgan huquqini, ming yillik shon-shuhratini tikladik. Oila, ko'cha, bozor tili darajasiga tushib qolgan tilimiz davlat miqyosidagi va davlatlararo darajadagi yuksak pog'onalariga ko'tarilib, yana ilm-fan, ta'lim-tarbiya, boshqaruv tiliga aylandi, radio, televideniye, vaqti matbuot, kitoblar nashrida, teatr, kino san'atida yetakchi mavqega ega bo'ldi.

Tilimizning sofligini, go'zalligini, ravonligini saqlash va uning yanada sayqal topishi, latofati, nazokatini namoyon qilishi uchun har birimiz o'z hissamizni qo'shishimiz lozim. Buning uchun har doim o'z nutqimizga jiddiy e'tibor berishimiz, unga shevaga xos so'zlarni yoki boshqa til unsurlarini huda-behuda qo'shvermaslikka harakat qilishimiz, tilimizning og'zaki hamda yozma nutq me'yorlariga, qonun-qoidalarga qay darajada rioya qilayotganligimizni nazorat etishimiz, yo'l qo'yilayotgan kamchiliklarni o'z vaqtida tuza-tib berishni odatga aylantirishimiz kerak.

"Davlat tili haqida"gi Qonunning ish yuritish, hujjatlikka doir 8-, 9-, 10-moddalari yillar osha amalga to'liq tatbiq etilmay kelindi. Bu masalaning davlat miqyosida hal etilishi bo'yicha bir qator farmon, qarorlar qabul qilindi. Adliya vazirligi hujjatlik va ish qog'ozlari yuritish borasida yaqingacha davom etib kelgan sansolarchiliklarning asosiy sababini bartaraf etish maqsadida "O'zbekiston Respublikasining "Ma'muriy javobgarlik to'g'risida"gi kodeksining

Dolzarb mavzu

42-moddasiga qo'shimcha kiritish to'g'risida"gi loyiha taklifi bilan chiqdi. Taklifga ko'ra, "Ma'muriy javobgarlik to'g'risida"gi kodeksning 42-moddasi quyidagi mazmundagi ikkinchi qism bilan to'ldirilsin: "Davlat organlari va tashkilotlarida ish yuritishda davlat tili haqidagi qonun hujjatlari talablariga rioya etmaslik, mansabdor shaxslarga bazaviy hisoblash miqdorining ikki baravari-dan besh baravarigacha miqdorda jarima solishga sabab bo'ladi", deyilgan edi.

Bu o'rinni taklif. Har qanday tartibuzar odam qilmishiga yarasha tanbeh, jazo olishi kerak. Davlat tilida ish yuritishda yo'l qo'yiladigan holat esa tartibuzarlik emas, qonunbuzarlikdir. U esa kim bo'lishidan qat'i nazar, qonunga binoan tegishli tarzda jazolanishi kerak. Bu dunyo miqyosida qabul qilingan umumiy qoida. Ammo ushbu taklif qabul qilingani bilan ham ko'p narsa o'zgar-gani yo'q. Hali ham ayrim yuqori tashkilot-lardan hujjatlar boshqa tilda yuborilmoqda, o'zbekcha ma'lumot yuborilsa, rus tilida yuborishni, yangi alifboda yuborilsa, kirill alifbosida tayyorlab jo'natishni talab qilish holatlari davom etmoqda.

Qonunning 22-moddasida mamlakatimiz hududidagi geografik nomlar, shaharlar va qishloqlar, ko'chalar va maydonlar, tarixiy hamda madaniyat yodgorliklari, turarjoy mas-sivlari, savdo rastalari, maktablar va boshqa ijtimoiy-madaniy ahamiyatga ega bo'lgan ob'ektlarning nomlari faqat davlat tilida berilishi muhrlangan. Ammo hamma yoqda turli tillarda nomlangan turarjoylar, dam olish maskanlari-yu tungi klublar, restoran-u qah-vaxonalari, savdo rastalari, do'konlar, korxon-a va boshqalarni ko'rishimiz mumkin.

Yangi ochiladigan geografik ob'ektlarni nomlash bo'yicha bir qator mamlakatlarda amalda qo'llanib kelinayotgan tajribalar bor. Chunonchi, arab mamlakatlarida ularni asosan mahalliy tilda nomlash tavsiya etiladi. Bunda bu tabirkorlik sub'yekti soliqlar to'lashda, faoliyat yuritishda, ishlab chiqarishda, mahsulot realizatsiyasida bir qancha imtiyozlarga ega bo'ladi. Ajnabiy nom bilan ataladiganlariga esa bunday imkoniyat va imtiyozlar berilmaydi. Shuning uchun ham ular qariyb barcha geografik ob'ektlar o'z ona tillarida nomlanadi.

To'g'risi, bunday noxush holatlarning barchasi "Davlat tili haqida"gi Qonunning 24-moddasida "O'zbekiston Respublikasida davlat tiliga yoki boshqa tillarga mensimay yoki xusumat bilan qarash taqiqlanadi" deyilgan bandga rioya etilmayotganligidan kelib chiqmoqda. Bugungacha biror bir mutasaddining, mas'ul shaxsning davlat tiliga mensi-may qaraganligi uchun jazoga tortilganligini eshitmadik.

"Davlat tili haqida"gi Qonunning yangi tahrirdagi nusxasi tayyorlangan va uni tasdiqlash hamda amalga tatbiq etish O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga havola etilgan. Bu qonunning yangi tahriri amalga tatbiq etilishi bilan hozirgacha davlat tili va yangi alifboni joriy etish to'g'risidagi qonunlar ijrosi bo'yicha yo'l qo'yib kelin-gan kamchiliklar to'liq bartaraf etiladi, deb o'ylayman.

Mardon BOLTAYEV, Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti dotsenti.

Tarqibot

"Yangi Ўзбекистон – инсон қадри улуғланган юрт" шиори остида вилоятда ўтказилаётган маънавий фестивали доирасида Самарқанд шаҳридаги 36-мактабга таълим ташкилотиде Республика Маънавий ва маърифат маркази, Мактабга таълим вазирлиги, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигида тайёрланган "Зукко болажон!" фотоальбоми тақдими бўлиб ўтди.

"ЗУККО БОЛАЖОН!"

фотоальбоми тақдими ўтказилди



Тадбирда пойтахти-миздан келган бир гуруҳ ижодкорлар, олимлар, санъаткорлар ҳамда "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзолари иштирок этди.

- Маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар, ўзгаришларни энг куйи босқич – мактабга таълим ташкилотидан бошлашга кутилган натижага эришамиз, - деди Президентнинг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Нодир Холбўтаев. - Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Ҳар бир бола – бамисоли ўсиб, кучга тўлаётган, парваришга муҳтож нозик ниҳол. Бинобарин, уни ҳеч қачон меҳр ва эътибордан четда қолдириб бўлмайдим".

Тадбирда фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммедова, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш институти

профессори Зўҳра Исмоилова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шoirа Сайёра Тўйчиева фотоальбом аҳамияти, шунингдек, болажонларга жаҳон андасига мос таълим-тарбия бериш йўллари хусусида сўз юритдилар.

"Зукко болажон!" фотоальбоми мактабга таълим ташкилотига топширилди. Ўз навбатида болажонларнинг самимий чиқишлари, куй-кўшиқлар, рақслари иштирокчилар кайфиятини кўтарди.

Тадбир давомида соҳа ходимлари учун шўъбаларга бўлинган ҳолда бола тарбияси ҳамда унинг маънавий камолотини таъминлаш хусусида семинар-тренинг ўтказилди.

"Зукко болажон!" лойиҳаси доирасида фотоқўрғамда ҳамда Самарқанд қўғирчоқ театри томонидан томошалар намойиш этилди. Қўлолчилик қизиқиши бўлган болалар учун амалий машғулот ташкил қилинди. Сулаймон МАРДИЕВ.



"Оламини маҳлиё айлаган диёр"

Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ушбу шиор остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Давлат байроғи билан безатилган шаҳарнинг марказий кўчаларида ватанпарварлик автокарвони ҳаракатланди. Шундан сўнг Кўксарой майдонида байрам тадбири ўтказилди. Унда ёзувчи ва шoirлар, халқ артистлари, санъаткорлар ва таниқли актёрлар томонидан Ватанини, тинчликни мадҳ этувчи шеър ва кўшиқлар ижро этилди. Тадбирда Президентнинг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Нодир Холбўтаев иштирок этди.

"Дўстлик уйи" ўз кутубхонасига эга бўлди

"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" Давлат дастури ижросига кўра, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда "Маърифат" тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигида "Дўстлик уйи"да кутубхона ташкил этилди.



Тадбир давомида Республика Маънавий ва маърифат маркази, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти томонидан макур кутубхона фондига юзга яқин ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан иборат 500 нусхадан ортиқ бадий китоблар совға қилинди.

Дилрабо ЮСУПОВА.

Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятларнинг кўлами кун сайин кенгайиб борапти. Бу эътибордан унумли фойдаланиб, ютуқларни қўлга киритаётган йигит-қизларга кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Шогирдларимиз билан фахрланамиз

Биргина мен фаолият юритаётган Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчиларининг 10 нафари инглиз тилидан IELTS сертификатига эга бўлди. Бу уларга нуфузли халқаро олий таълим

муассасаларига муддатидан олдин ўқишга кириш имкониятини яратиб берапти. Ирода Бахромова, Нозина Эшқобилова, Бахтиёр Сохибназаровлар лицейимизнинг ана шундай фаол ўқувчиларидан. Илм олишга бўлган қизиқиш, устозлар

насихатига қулоқ солиш, тиришқоқлик ва ўз устидан тинимсиз ишлашлари уларни ана шундай муваффақиятларга етакламоқда. Лицейимиз битирувчиларининг аксарияти муддатидан олдин ўқишга кириб, хориждаги нуфузли уни-

верситетларнинг грантига сазовор бўлган. Биз, устозлар бундай илми, зуқко ўқувчиларимиз билан фахрланамиз.

Мафтун ТИРКАШЕВА, лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Matbuot uyi Zarafshon Samarqandskiy Vestnik

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 429 nusxada chop etildi. Buyurtma 434. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxon-a manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: Y.MARQAYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X 9 1772010 667009 Sotuvda narxi kelishilgan holda